



ҚЎЛЛАШ БЎЙИЧА ЙЎРИҚНОМА ЛИБЕКСИН® LIBEXIN®

Препаратнинг савдо номи: Либексин® (Libexin®)

Таъсир этувчи модда (ХПН): преноксдиазин/prenoxidiazin

Дори шакли: таблеткалар

Таркиби:

Бир таблетка қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: преноксдиазин гидрохлориди - 100 мг.

ёрдамчи моддалар: глицерол (глицерин), магний стеарати, тальк, повидон, маккажўхори крахмали, лактоза моногидрати.

Таърифи: думалок, ясси, оқ ёки деярли оқ рангли, икки томони фаскали таблеткалар. Таблеткаларнинг бир томонида «LIBEXIN» гравировкаси, бошқа томонида эса - таблеткани тўрт бўлакка ажратувчи риска бор.

Фармакотерапевтик гуруҳи: периферик таъсирга эга йўталга қарши восита.

АТХ коди: R05DB18.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Преноксдиазин периферик таъсирга эга йўталга қарши дори воситаси ҳисобланади. Препарат қуйидаги келтирилган самаралар ҳисобига йўтал рефлексининг периферик бўғинларини блоклайди:

- нафас йўлларидаги периферик сезувчан (йўтал) рецепторларининг қўзғалувчанлигини камайтириш қобилиятига эга маҳаллий анестезияловчи таъсири;
- бронхларни кенгайтирувчи таъсири оқибатидаги йўтал рефлексда иштирок этувчи кенгайтиш рецепторларини бостирилиши;
- нафас маркази фаоллигининг биров сусайиши (нафасни сусайишсиз).

Препаратнинг йўталга қарши самараси кодеиннинг таъсирга деярли тенг. Преноксдиазин кўникиш ва дори воситасига қарамлик чақирмайди.

Сурункали бронхитда преноксдиазиннинг яллиғланишга қарши таъсири аниқланган. Преноксдиазин марказий нерв тизимига таъсир кўрсатмайди, бўлиши мумкин бўлган кўшимча анксиолитик таъсири бундан мустасно.

Фармакокинетикаси

Преноксдиазин меъда-ичак йўлларида тез ва аҳамиятли даражада сўрилади.

Преноксдиазиннинг плазмадаги максимал концентрациясига препарат қабул қилинганидан 30 минутдан кейин эришилади, унинг терапевтик концентрацияси 6-8 соат давомида сақланиб туради.

Плазма оқсиллари билан боғланиши 55-59% ни ташкил қилади.

Ярим чиқарилиш даври 2,6 соатни ташкил қилади.

Қабул қилинган дозанинг асосий қисми жигарда метаболизмга учрайди, препаратнинг қабул қилинган дозасининг фақат тахминан 1/3 қисмигина ўзгармаган ҳолда, қолган қисми эса – метаболитлари кўринишида чиқарилади (преноксдиазиннинг 4 та метаболити аниқланган).

Преноксдиазин метаболизмининг дастлабки 12 соатида ва унинг метаболитларининг билиар экскрецияси муҳим роль ўйнайди. Қабул қилингандан 24 соатдан кейин

препаратнинг 93% чиқарилади. Ичга қабул қилингандан кейин 72 соатда қабул қилинган дозанинг 50-74% аҳлат билан ва 26-50% - сийдик билан бирга чиқарилади.

Қўлланилиши

Келиб чиқиши турлича бўлган куруқ йўталда (юқори нафас йўллариининг катариди, гриппда, ўткир ва сурункали бронхитларда, пневмонияда, эмфиземада, юрак етишмовчилиги бўлган беморлардаги тунги йўталда; пациентларни бронхоскопия ва бронхография текширишларига тайёрлашда) қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталар учун ўртача дозаси 100 мг дан кунига 3-4 марта (1 таблеткадан кунига 3-4 марта) ни ташкил қилади. Янада мураккаб ҳолатларда дозани кунига 200 мг дан 3-4 мартагача ёки 300 мг дан 3 мартагача (2 таблеткадан кунига 3-4 марта ёки 3 таблеткадан кунига 3 марта) ошириш мумкин.

Болалар учун ўртача доза боланинг тана вазни ва ёшига қараб белгиланади, одатда кунига 25-50 мг дан 3 ёки 4 марта (1/4-1/2 таблеткадан кунига 3-4 марта).

Болалар учун максимал бир марталик доза – 50 мг (1/2 таблетка), катталар учун – 300 мг (3 таблетка). Болалар учун максимал суткалик доза – 200 мг (2 таблетка), катталар учун – 900 мг (9 таблетка).

Бронхоскопияга тайёрлашда муолажани бошлашдан 1 соат олдин тана вазнига 0,9-3,8 мг/кг дозани 0,5-1 мг атропин билан бирга қўлланади.

Таблеткалар чайналмасдан ютилади (оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг анестезиясидан сақланиш учун).

Ножўя таъсирлари

Аллергик реакциялар

Кам: тери тошмаси, ангионевротик шиш.

Меъда-ичак йўллари томонидан:

Кам: оғиз ва томоқни қуриши, оғиз бўшлиғи шиллик қаватининг анестезияси (вақтинчалик увишиши ва сезувчанликни йўқолиши).

10% дан кам: меъдада оғрик, қабзиятга мойиллик, кўнгил айниши.

Нерв тизими томонидан (препаратни юқори дозаларда қўлланганда): енгил седатив самара, толиқиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, седатив самара ҳам, толиқиш ҳам препаратнинг терапевтик дозасидан юқори дозаларда қўлланганда намоён бўлиши мумкин, ва бу симптомлар препаратни қабул қилишни тўхтатилгандан кейин бир неча соат давомида ўз-ўзидан тўхтайд.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратга юқори сезувчанлик. Кўп миқдорда бронхиал секреция билан кечадиган касалликлар. Ингаляцион наркоздан кейинги ҳолатлар. Галактозани ўзлаштираолмаслик, лактаза етишмовчилиги ёки глюкоза-галактоза мальабсорбция синдромида қўллаш мумкин эмас.

Эҳтиёткорлик билан: болаларда.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Препаратни муколитик ва балғам кўчирувчи воситалар билан бирга қўллаш тавсия қилинмайди, чунки у муколитик ва балғам кўчирувчи воситалар таъсирида суюлтирилган балғамни чиқарилишини қийинлаштириши мумкин.

Бошқа препаратлар билан ўзаро таъсири тўғрисида клиника олди ҳам, клиник маълумотлар ҳам йўқ.

Махсус кўрсатмалар

Препарат лактазани ўзлаштираолмайдиган беморларда меъда-ичак йўллари томонидан шикоятларни чақариши мумкин, чунки таблеткалар таркибида лактоза сақлайди (ҳар бир таблетка 0,38 мг лактоза сақлайди).

Ҳомиладорлик ва лактация

Либексин® ни ҳомиладорлик ва лактация даврида фақат агар она учун потенциал фойда ҳомила ва бола учун бўлиши мумкин бўлган хавфдан устун бўлгандагина қўллаш мумкин.

Автотранспортни бошқариш ва юқори хавф билан боғлиқ ишларни бажариш қобилиятига таъсири

Препаратни юқори дозаларда қабул қилиш реакциялар тезлигини секинлаштириши мумкин, шунинг учун препаратни юқори дозаларда қабул қилинганда автомобилни бошқариш ёки юқори хавф билан боғлиқ фаолиятлар билан шуғулланиш тўғрисидаги масала шахсий равишда ҳал қилиниши керак.

Препарат болалар ололмайдиган жойда сақлансин ва яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дозани ошириб юборилиши

Инсон учун дозани ошириб юборилиши бўйича маълумотлар йўқ. Терапевтик дозадан юқори дозани қабул қилган ҳолларда препаратнинг седатив самараси ва ҳолсизлик кучайиши мумкин.

Чиқарилиш шакли

Таблеткалар, 100 мг.

20 таблеткадан поливинилхлорид плёнкали ва алюмин фольгали блистерда.

1 блистердан қўллаш бўйича йўриқномаси билан бирга картон қутида.

Сақлаш шароити

25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Яроқлилик муддати

5 йил.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

ХИНОИН Завод Фармацевтических и Химических Продуктов ЁАЖ

Леваи кўч., 5, 2112 Верешедьхаз (производство 2), Венгрия

(CHINOIN Pharmaceuticals and Chemical Works Private Co. Ltd.), Hungary

Levai utca 5., Veresegyhaz, 2112 (site 2), Hungary)